

ШОИРА МАТСАФОЕВА

*Чирозини
излаган шуъла*

Шеърлар

Тошкент
“Истиклол нури”
2013 йил

УЎК: 821.512.133-1
84(5Ў)7
М31

Матсафоева, Шоира

Чироғини излаган шуъла: шеърлар / Ш. Матсафоева. – Тошкент: «Истиклол нури», 2013. – 44 б.

КБК 84(5Ў)7

Азиз китобхон! Қўлингиздаги ушбу шеърий тўпلام истеъдодли қаламкаш Шоира Матсафоеванинг илк китоби.

Шеърият бўстонига Шоира ўзининг ранг-баранг шеърий гулдастаси билан яшнаб кираётир.

Унинг шеърларидан баҳра олиш сизга ҳавола, азиз шеърхон.

ISBN 978-9943-4179-6-0

© Ш.Матсафоева.
© «Истиклол нури»,
2013 й.



ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, байроғинг баланд бугун қўлларда,
Мадҳинг эса янграйди давраларда, дилларда,
Ўзбегим, ўзлигингни тан олдилар элларда.
Улуғ тўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним,
Юксак бўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним.

Шу кунларга етказган Оллоҳимга минг шукр,
Ҳамда азиз Юртбошим – сарбонимга тенг шукр,
Қадим, узун бу йўллар бўлди бизга кенг, шукр.
Улуғ тўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним,
Юксак бўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним.

Нурли келажак сари қадамларинг дадилдир,
Қилаётган ишларинг бари ҳақдир, одилдир,
Мустаҳкам иродали дилбандларинг ботирдир.
Улуғ тўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним,
Юксак бўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним.

Мақсадимиз биттадир, маслагимиз ҳам шундай,
Тўсиқларни енгурмиз бўлса ҳамки ҳар қандай,
Пешонамиз ҳамиша чарақласин шу кундай.
Улуғ тўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним,
Юксак бўйинг муборак, азиз Ўзбекистоним.



ОБОД ВАТАНИМ

Хур диёрим Ватаним ўзинг,
Дилимизга жодир ҳар сўзинг.
Бошимизда мудом куну тун,
Порлайверсин иқбол юлдузинг.
Ўзбекистон – озов Ватаним,
Ўзига бек обод Ватаним.

“Оқ олтиннинг” ярақлайверсин,
Истикболинг чарақлайверсин,
Сармаст, масрур ўғил-кизларинг,
Бахт китобин варақлайверсин.
Ўзбекистон – озов Ватаним,
Ўзига бек обод Ватаним.

Туркистоннинг фарзандларимиз,
Тақдирлари пайвандларимиз.
Тенгсиз олим, буюк аллома,
Устозларнинг дилбандларимиз.
Ўзбекистон – озов Ватаним,
Ўзига бек обод Ватаним.

Жаҳонга юз тутар элим бор,
Самоларга етар кўлим бор.
Мудом фахр, ифтихор билан,
Куйламоққа истиклолим бор.
Ўзбекистон – озов Ватаним,
Ўзига бек обод Ватаним.



«ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР»

Ватанимга бағишлайман боримни,
Унинг учун асрагайман оримни,
Мадҳин куйлаб янгратурман торимни,
“Ватанни севмоқ иймондандир, иймондан.”

Самоларим зар кокилли нур сочар,
Юртбошимиз сиз ёшларга йўл очар.
Боболарим дуоларга кўл очар,
“Ватан севмоқ иймондандир, иймондан.”

Дунёга юз очар Ўзбекистоним,
“Оқ олтин”, олтинга бойдир бўстоним,
Барчага манзурдир ҳадис, дostonим,
“Ватанни севмоқ иймондандир, иймондан.”

Борини меҳмонга тутгувчи элим,
Кўллари юлдузга етгувчи элим,
Қалбига эзгулик битгувчи элим,
“Ватанни севмоқ иймондандир, иймондан.”

Ҳилпираган байроғингда белги бор,
Ўзлигингни англагувчи улги бор,
Истиклолдан униб чиққан кулгу бор,
“Ватанни севмоқ иймондандир, иймондан.”

Юртим, бағрингдаги танти қизингман,
Нурли йўлкаларда босар изингман,
Қалбингда не бўлса айтар сўзингман,
“Ватанни севмоқ иймондандир, иймондан.”



ЙИЛЛАР

Эҳ, йиллар бешафқат, йиллар ўтади,
Яна қайларгадир ташлаб кетади.
Ёлвориб саждалар қилсанг-да, эркам,
Баъзан кўзларингни ёшлаб кетади.

Эҳ, менинг болалик содда туйғум-ей,
Сени соғинганман умр ўртаси.
Ҳар оқшом тарк этар кўзни уйқум-ей,
Қандоқ кечар экан туннинг эртаси.

БОҒЛАРДАГИ ЛОЛАЛАРИМИЗ

Байроғимиз баланд қўлларда,
Мадҳиямиз янграр дилларда.
Ватан остонадан бошланар,
Келажакка қадам ташланар.

Оналар бор, кўнгил осмони,
Оталар бор, юртнинг посбони.
Умрлари бўлсин зиёда,
Тинчлик бўлаверсин дунёда.

Жаҳон танир Ўзбекистонни,
Бўстон ичра хур гулистонни.
Боғлардаги лолаларимиз,
Исломо бобо болаларимиз.



ДИЛ АРМОНЛАРИ

Менга ишон, ҳамон талпиниб,
Ўзгинангни кутганлигим рост.
Йўлларимда, билсанг, туртиниб,
Соғинч такрор олаётир қасд.

Не қилайки, қоқилдим баъзан,
Кимларнингдир қолдим пойида.
Дарёсини йўқотган ўзан,
Тош қотар-ку анинг лойида.

Қарвонларга томон югурдим,
Парво қилмас ҳеч сарбонлари.
Тун сочидан иплар йигирдим,
Ютиб борар дил армонлари.



ТҮҮРТЛИКЛАР

Дунё ташвишлари бизга бир эрмак,
Кунимиз ўтмоқда сезмай қоламиз.
Ҳаётда ишимиз насиба термак,
Ёшимиз бир жойда, ҳамон боламиз.

* * *

Мен йиғлайман гоҳида қалбим ғамга тўладир,
Мурғаккина гўдакчам юпатмоқчи бўладир.
Бу дунёнинг ишлари ҳаёт ташвишларидан,
Беҳабар болагинам ширингина куладир.

* * *

Ҳаётда фалакнинг шамоли секин,
Ўғирлаб қочмоқда умр ёшини.
Азизлар бой берманг баҳорни текин,
Умрингиз мазмуни – бахт куёшини.

* * *

Мен сени чўққига қўйдим кўтариб,
Пойингда ғанимлар шивирин қолди.
Узалган қўлларим қўйдинг итариб,
Нигорон кўзларим йўлингда толди.

* * *

Хусн талашибди дунёнинг бори,
Қўл чўзиб-унга ҳам, йиғлармиш инсон.
Фақат жим қолибди муҳаббат тори,
Шундан-ми сезилмас севганда нуқсон.

* * *

Ҳаёт йўли нақадар чигал,
Мураккабдир оддий сўқмоғи.
Учратмадим бахтни мен тугал,
Хар одимда ғаним тўқмоғи.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1424> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1424> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1424>